INNOVATION: THE JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND RESEARCHES
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL
ISSN: 2181-3868 SJIF-2023: 3.812 | ISI: 0.539 | VOLUME 2, ISSUE 1, 2024

МАТН – ГЛОБОЛ ҚУРИЛМАНИНГ ИСТИЛОҲИЙ ВА ЛЕКСИКОГРАФИК ТАВСИФИГА ДОИР АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР ҲАҚИДА

Зайниева Мадина Хуршиджон қизи,
Самарқанд давлат чет тиллар институти таянч докторанти

Аннотация. *Ишда глобал синтактик структура тушунчаси, матн ва унинг компонентлари хусусидаги лексикографик қарашлар келтирилган ҳамда баён этилган бу фикрларга муносабат билдирилган. Нутқнинг мукаммал ва мураккаб ҳосиласи бўлган глобал бирлик мақоми матн экани, унинг асосий белгилари нималарда намоён бўлиши қайд этилган. Матн ва текст терминлари тавсифи билан боғлиқ маълумотлар лексикографик ва терминалогик ёндашувга асосан ўрганилган. Бу борадаги бугунги кундаги қарашларнинг кенг кўламли бўлиши, фан тараққиёти динамикаси маҳсули сифатида далилланган.*

Калит сўзлар: *матн, синтактик бирлик, нутқ, лексикографик ва терминалогик ёндашув, ситем-структур парадигма*

https://doi.org/10.5281/zenodo.14173950

Аннотация. В работе представлены понятия глобальной синтаксической структуры, лексикографические взгляды на текст и его компоненты, а также выражены реакции на эти взгляды. Отмечается, что статусом глобальной единицы, представляющей собой совершенный и сложный продукт речи, является текст, и каковы его основные признаки. Информация, связанная с описанием текста и текстовых терминов, изучается на основе лексикографического и терминологического подхода. Широкий диапазон сегодняшних взглядов на этот счет является продуктом динамики научного развития.

Abstract. In the work, the concept of global syntactic structure, lexicographic views on the text and its components are presented, and reactions to these views are expressed. It is noted that the status of the global unit, which is a perfect and complex product of speech, is the text, and what are its main features. Information related to the description of text and text terms is studied based on the lexicographic and terminological approach. The wide range of today's views in this regard is proven as a product of the dynamics of scientific development.

Ключевые слова: текст, синтаксическая единица, речь, лексикографо-терминологический подход, системно-структурная парадигма.

Key words: text, syntactic unit, speech, lexicographic and terminological approach, system-structural paradigm.

Тилшуносликнинг барча даврларида ҳам, фан тараққиётининг барча босқичларида ҳам ўз даври ва ўз босқичи учун матн тушунчаси муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Унинг аҳамияти ва моҳияти билан боғлиқ қизиқишлар ҳамда бу

қизиқишларга олиб келувчи сабаблар ҳам ўзига хосликка эга бўлган. Матннинг қиёсий-тарихий парадигма асосида тадқиқи ва тавсифи ҳам, унинг ситем-структур парадигма асосидаги тадқиқи ҳам, антропоцентрик тадқиқи ҳам маълум даражадаги умумийликни касб этсада, бу илмий парадигмаларнинг моҳияти ва мақсади турлича бўлгани сабабли матн ва унинг лингвистик тавсифи уларнинг ҳар биридаги илмий ёндашувга кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Матнга қиёсий-тарихий парадигма қонуниятлари асосида ёндашилганида, унинг тил ва нутқ бирликларининг орасидаги максимал бирлик экани асосий диққат марказида бўлиб ҳисобланади. Бу эса унинг тилнинг энг катта бирлиги мақомида белгиланиши учун имкон яратади . Шунинг учун ҳам матнни тилнинг бирлиги сифатида ўрганиш қиёсий-тарихий парадигма асосида шаклланган илмий изланишларнинг муҳим хулосаларидан ўрин олганини кузатиш мумкин.

Матн ва унинг лингвистик тавсифи ҳақида фикр билдирилганида унинг, аввало, тилшуносликнинг ўрганиш объекти сифатидаги истилоҳий жиҳатларига эътибор қаратиш ўринлидир. Бунга кўра, матн тушунчаси текст тушунчаси билан узвий боғлиқ эканига эътибор қаратиш муҳим. Зотан бу икки термин бири бошқасига чамбарчас алоқададир. Текст тушунчасининг муқобили сифатида тилшунослигимизда матн тушунчаси ва бу тушунчаларни берувчи терминлар ўзбек тилшунослигида қўлланишда бўлиб келган ҳамда бу ҳолат фанимиз тараққиётининг бугунги даврида ҳам давом этмоқда.

Юқоридаги фикрларимиз матншунослик, текстология тушунчаларининг мавжудлиги ва қўлланиш моҳияти асосида ҳам мужассамдир. Бироқ матн ва текст тушунчалари бир-бирига қанчалик яқин бўлмасин, матнни том маънода лингвистик ўрганиш, бошқача айтганда унинг бирликларини, конститутив компонентларини тавсифлаш, бу унсурларнинг бирини бошқасидан фарқли хусусиятларини аниқлаш билан матн таркибида фонетик, лексик, фразеологик, морфемик, синтактик бирликларинг моҳиятини тилшунослик нуқтайи назаридан ўрганилишини тенглаштириб бўлмайди. Чунки мазкур лингвистик ёндашувларнинг мақсади, амалга ошириши лозим бўлган вазифалари ҳамда эришадиган натижадарида катта фарқлар бор.

Масаланинг туб моҳиятига назар ташлар эканмиз, бунда матннинг таркибида қўлланилган сўз ва ибораларнинг коммуникатив жиҳати эмас, балки уларнинг семантик белгилари, лексик қудрати, фразеологик мазмуни ва унинг реал ифодасини кузатишга имконнинг вужудга келиши матнда рўйи-рост ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам фонетик, лексик, морфемик, синтактик бирликларнинг структур ва семантик томонларининг реал тавсифини беришда уларнинг матн таркибидаги ҳолатидан келиб чиқишга уринишлар катта миқдорни ташкил этган. Бу эса, ўз навбатида, уйғотилган ташқи тасаввурга кўра матннинг лингвистик тадқиқи сифатидаги таассуротни келтириб чиқаришга йўл очган. Бунда матн эмас, балки унинг таркибида ундан кичик бўлган бирлик (фонема, морфема, лексема (сўз), ибора, термин) ларнинг хусусиятлари лингвистик тадқиқ этилган, ёритилган, тилшунослик нуқтайи назаридан тавсифланган. Бундай ёндашувларда матн том маънода ўрганиш объекти эмас, балки ўрганилаётган объектлар (фонема, морфема, лексема (сўз), ибора, термин) ни аниқроқ тасаввур этиш

учун макон мақомида бўлган.

Кўриндаки, бунда матн эмас, балки унинг таркибида турли босқич, турли поғона, турли сатҳга тегишли бўлган бирликлар лингвистик тавсифланган. Бироқ бу таҳлилларнинг ҳеч бири матннинг лингвистик тадқиқи, тавсифига алоқадор бўлмаган. Аниқроқ қилиб айтганда, матнни ўрганиш деб қаралган жараёнлар матнни эмас, унинг ичида тил ва нутқ бирликларининг намоён бўлишига оид айрим масалаларни ўрганишдан нарига ўта олмаган.

Тилшуносликда шаклланган анъанвий ёндашувлар самараси ўлароқ кўплаб ютуқларга эришилди. Бу фан тараққиётининг юксалишида алоҳида ижобий фаолият эканини қайд этиш лозим. Матнга берилган таъриф ва тавсифларнинг аксариятида мазкур ёндашувнинг қарашлари, хулосалари ва ютуқлари тўла ўз ифодасини топган. Қуйида уланинг айримларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да матн (текст) тушунчаси

МАТН [а.] эск. кт. айн. текст.

Мазкур луғатда текст сўзи

ТЕКСТ [р<лат] 1 Ёзилган, кўчирилган ёки босилган ижодий илмий асар, нутқ, ҳужжат ва ш.к. ёки уларнинг бир парчаси; матн.

2 Музика асарига, масалан, бирор куйга, опера, романс ва шу кабиларга асос бўлган шеър, сўз.

3 полигр. Йирик шрифтлардан бирининг номи.

Ушбу луғатда ТЕКСТОЛОГ [р] текстология мутахассиси, матншунос. Ўзбек текстологлари || Текстолог олим.

ТЕКСТОЛОГИК [р текстологический] Текстологияга, матншуносликка оид. Текстологик тадқиқот.

ТЕКСТОЛОГИЯ [р<лат+грек] Филологиянинг ёзма ёдгорлик, бадиий тарихий асар, ҳужжат ва шу кабиларни ўрганиш, уларнинг асл текстини текшириш ёки оригиналга энг яқин текстини тайёрлаш билан шуғулланувчи бўлими; матншунослик. Республикамизда текстология фани равнақини унинг асосчиларидан бири Порсо Шамсиевсиз тасаввур қилиб бўлмайди. С.Ғаниева, Алломанинг табаррук ёши .

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида МАТН [а. متن -елка; нутқнинг ёзувдаги ифодаси, текст]

1 Ёзувда ёки босма ҳолда шакллантирилган муаллифлик асари ёки ҳужжат. Бегона тилдаги матнни таржимон ўзи учун талқин этиш билан уни ўз тилида бошқаларга атаб қайта яратиши ўртасида катта тафовут бор. Ғ.Саломов, Таржима назариясига кириш.

1. Босма нашрнинг расм, чизма ва изоҳларсиз асосий қисми.

МАТНШУНОС [а. متن شناس -матн ўрганувчи] Матншунослик соҳаси мутахассиси; текстолог.

МАТНШУНОСЛИК Адабиёт ва фольклорга оид қўлёзма асарларни, тарихий ҳужжатларни, асл матнларини аниқлаш ва танқидий ўрганиш, шарҳлаб эълон (нашр) қилиш мақсадида улар устида олиб борувчи ёрдамчи тарихий-филологик фан соҳаси; тестология .

Матншунослик сўзига «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» да

МАТНШУНОСЛИК, текстология – ёрдамчи тарихий-филологик фан соҳаси, адабиёт ва фольклорга оид қўлёзма асарларни, уларнинг аниқ матнларини аниқлаш ва танқидий ўрганиш, шарҳлаб эълон қилиш мақсадида улар устида тадқиқотлар олиб боради. Матншуносликнинг вазифаси матнни ҳар томонлама тадрижий-танқидий (матн тарихига чуқур кириб бориш, матнни яратишда фойдаланилган манбаларни, муаллиф таҳрирлари, вариантлари ва б.) ўрганиб, нашрга тайёрлашдан иборат. ...

“Ўзбек тилининг этимологик луғати” да матн сўзига оид қуйидаги маълумот келтирилган.

МАТН. Бу арабча сўз матн(ун) шаклига эга (АРС, 741); “мустаҳкам бўлди”, “асосли бўлди” маъносини англатувчи матуна феълининг (АРС, 741) биринчи боб масдари бўлиб, (АТГ, 142), араб тилида “елка”, “текст” маъноларини англатади (АРС, 741); ўзбек тилида “текст” маъноси билан ишлатилади (ЎТИЛ, I, 452) .

Кўринадики, матн тушунчаси ёзма, босма нашрларнинг маҳсули сифатидаги умумий номланишни тақазо этади. Матн тушунчаси билан ёнма-ён текст тушунчаси ҳам қўлланилиши кузатилади. Улар бир-бирига синоним, бошқача айтганда, анологик тушунча билдирувчи икки сўздир. Матн сўзининг этимологияси араб тилига бориб тақалса, текст сўзи юнонча, лотинча генезисни тақазо этмоқда.

Текст сўзи рус тилдаги лингвистик луғатларда ҳам шу мазмунда берилганини кузатиш мумкин. Жумладан, Д.Э.Розенталь, М.А. Теленкова «Словарь-справочник лингвистических терминов» луғатида текст (лат. textum – связь, соединение). Произведение речи (высказывание), воспроизведенное на письмо или в печати.

Текстология. Отрасль филологической науки, занимающаяся установлением точного текста литературных памятников или исторических документов для их научного издания .

Текстуальный. Дословный, буквально воспроизводящий какой-либо текст. Текстуальный пересказ какой-либо сообщения .

Ўзбекча-русча луғат (Узбекско-руский словарь) да МАТН кнеж. текст. деб таржима қилинган . Мазкур луғатда текст, текстолог, текстологик, текстология сўзларига берилган таржималар ва тавсифларнинг мазмуни ҳам юқорида қайд этилган маълумотларни такрорлайди .

Русча-ўзбекча луғат (Руско-узбекский словарь) да 1 ТЕКСТ текст, матн; ~ пьесы пьеса тексти, подлинный ~ асл нусха тексти; машинописный ~ машинкаланган текст; газетный ~ газета тексти; иностранный ~ чет тилда ёзилган текст; 2 муз. текст (музика асарининг сўзлари); ~ песни ашула тексти деб таржима қилинган ва шундай тавсифланган . Мазкур луғатда текст, текстолог, текстологик, текстология сўзларига берилган таржималар ва тавсифларнинг мазмуни ҳам юқорида қайд этилган маълумотларнинг мазмуний аналогидир .

Матн ва унинг таърифи ҳақида фикр билдирилар экан, матннинг барча томонларини ўзида мужассам этган кўпчилик томонидан қабул қилинган ягона қоидаси – таърифининг йўқ экани кўзга ташланади. Бундай фикрий номуштараклик олимларнинг тилшунослик фанининг қайси йўналишида фаолият олиб бориши билан боғлиқ ҳолдаги хулосалари билан алоқадорликдаги қарашларида ўзига хос тарзда намоён бўлади .

Шундай экан, матн ва унинг таърифи ва тавсифида, аввало, фан тараққиёти, унинг ривожланиш динамикаси жараёнида шаклланган, олимлар ва мутахассислар томонидан тан олинган, умумэътироф қилинган илмий парадигмалар қонуниятлари асосида мавжуд фикр ва қарашларга назар ташлаш бу борадаги илмий хулосаларга тўғри ва холис баҳо беришнинг энг муҳим параметри бўлмоғи лозим .

Ш.Сафаровнинг таъкидлашича, «Тилнинг ҳам тизимли ҳодиса эканлиги аллақачонлар эътироф этилиши, тилшуносларнинг эътибори ушбу тизимнинг қандай ташкил топганлиги, унинг таркибида қайси турдаги бирликлар мавжудлиги, бу бирликларнинг ўзаро муносабатга киришиши, ушбу муносабатлар асосида ҳосил бўладиган тузилмаларнинг умумий тизим ва унинг босқичли тузилишдаги ўрни каби қатор масалаларга қаратилган. Бироқ объектни тўлиқ илмий билиш фақатгина тизимнинг таркибий таҳлили билан чегараланиб қолмасдан, балки ушбу тизимнинг қандай «ишлаши» (ёки ишлатилиши) билан ҳам қизиқиши табиий. Тил тизимининг ўзига хослиги унинг «дуаллиги», яъни икки тизимдан иборат бўлишидир. Дарҳақиқат, лисоний фаолият икки асосий қисмдан иборат: тил бирликлари талаффузи ва улар воситасида ифода қилинадиган маъно, мазмун» .

Ш.Сафаровнинг келтирилган мулоҳазалари матн ва унинг лингвистик тавсифи учун ҳам том маънода аҳамиятли экани изоҳ талаб қилмайди. Чунки тилнинг ва нутқнинг ўзаро узвийлиги, бири бошқасининг ҳам бўлишини талаб этиши очиқ ҳақиқатдир. Шундай экан, нутқ тил асосида шаклланиши, тил эса нутқ борлиги сабабли ривожланиши аниқ. Ушбу ҳақиқатни тан олмасликнинг имкони йўқ. Лисоний тизимнинг ишлаши, унинг ўзига хос принсиплари ҳиссий билиш ва ундан озиқланувчи ақлий билиш (тафаккур) чамбарчаслигида намоён бўлади. Бунда рамзлар, яъни белгилар системаси бўлган тилнинг реал қўлланиши нутқ эҳтиёжи билан боғлиқдир. Нутқ эҳтиёжи коммуникатив мақсадсиз вужудга келмайди. Шунинг учун ҳам нутқ мулоқотнинг олий кўринишидир.

Ш.Сафаров назарда тутган тил бирликларининг талаффузи ва улар воситасида ифода қилинадиган маъно, мазмун ичидан энг муҳими бу маъно ва мазмундир. Сўзловчи айнан ана шу маъно, мазмунни тингловчига етказиш орқали ўз стимулини қондиради ва тингловчининг когнитив оламига ўзи кутган натижага қаратилган таъсирини йетказади.

Матн масаласида олимларнинг таъриф ва тавсифлари қанчалик турли-туман бўлмасин, энг муҳими, сўзлочининг стимулини қондириш учун вужудга келувчи реакция нутқни тақазо этади. Чунки мазкур жараён кўп қиррали бўлиб, унда ботиний ва зоҳирий ифодалар тўла ўз инъикосини топади. Бу эса матнсиз амалга ошмайди. Шу боис ҳам, матн глобал синтактик қурилма мақомига ҳар томонлама даъво қилишга лойиқ синтактик структуради.

Янгидан куч олаётган «матн лингвистикаси»ни тилшуносликка ҳеч қандай алоқаси йўқ, истиқболсиз соҳа сифатида тавсифлаган Р.А.Будаговнинг қарашларига Ш.Сафаров ҳақли саволларни қўяди . Бу саволлар Р.А.Будагов ва мазкур қарашларнинг бошқа тарафдорларининг ғоясини бутунлай чилпарчин этмаган бўлса ҳам, матн тилшунослининг нафақат қиёсий-тарихий парадигма доирасида, балки систем-структур ва антропоцентрик парадигмалар мезонлари асосида ҳам ўрганилиши учун мавжуд

қизиқишларнинг батамом тўхтаб қолишидан сақлаб қола олди. Матн том маънода ўзининг мажмуавий характери билан тилшуносликнинг ҳамда тил воситасида ўз муаммоларига йечим топишга интилган бошқа барча фанларнинг ҳам ўрганиш объекти бўлиши шубҳасиз.

Бизнингча, тилшунослар тилнинг фонема, морфема, сўз сингари бирликларининг ҳамда нутқнинг гап (жумла), содда ва мураккаб тузилишли барча бирликларини ўрганишда уларнинг нутқ ва матн майдонидан ажратиб олиб ўрганиш орқали уларга оид сир-синоатларни тўла тавсифлай олмайдилар. Чунки қайд этилган бирликлар ўзларининг лисоний қудратини том маънода нутқда, матнда намоён этади.

Айтиш жоизки, матннинг тўлақонли таърифига эришиш учун унга хос бўлган хусусиятларнинг барчаси аниқланиши лозим. Шундай бўлмас экан, мукаммал таъриф шаклланиши қийин. Чунки бундай таъриф ўзида ўз объекти бўлган матннинг мукаммал тавсифини қамраб олмоғи лозим. Бу эса, ўз ўрнида, мукаммал асосланган илмий тавсифларсиз амалга ошмайди. Мантга хос бўлган муҳим белгилардан бир қанчаси тилшунослик фани тараққиётининг бугунги босқичида аниқланганлигини қайд этиш мумкин. Бундай муҳим белгилар сирасига матнга хос синтактика ва семантиканинг бир бутунликни ташкил этиши; матннинг мавзуси, унинг конститутив унсурлари ва бу унсурлар орасида кузатиладиган боғланишлар; матн компонентлариаро интеграциянинг мавжудлиги; матн қисмлари орасидаги грамматик боғланишларга асосланувчи муносабат – когезияни киритиш мумкин. Матн глобал синтактик қурилма сифатида ўзигача бўлган тил бирликлари: фонема, морфема, сўз; нутқ бирликлари гап (жумла) сингари монопредикатив содда синтактик қурилмалар; паратактик, гипотактик муносабатдаги ва бошқа типдаги мураккаб синтактик қурилмалар; содда ва мураккаб синтактик қурилмалар учун қўлланиш макони вазифасини бажарувчи максимал синтактик бутунлик – абзацлардан фарқли ўлароқ қатъий тугал информатив хусусиятга эгалигидир. Бошқача айтганда, исталган матнда фикрлар кетма-кетлиги мавжуддир. Унда ифодаланган фикрлар кетма-кетлиги одатдаги саволларга ўрин қолдирмаслиги лозим . Бизнингча, унинг чегараси ҳам айнан мана шу белгилар характерланиши муҳим.

Ш.Сафаров: «Грамматиканинг матн билан боғлиқ эмаслиги қанчалик даражада тўғри эканлигини ҳозирча айта олмайман-у, лекин лисоний қобилият (competence) фақатгина грамматик билимдан иборат, деган фикрга ҳеч қачон қўшилмайман. Инсоннинг лисоний бойлиги тўлиқ бўлиши учун у лисоний ва нутқий тузилмаларни яратиш учун лозим бўлган барча турдаги билимларга эга бўлмоғи керак. Агарда у лисоний структураларни ўзлаштирса-ю, аммо уларни қандай қўллашни билмаса, у ҳолда ҳеч қандай қобилият ҳақида сўз юритиб бўлмайди» , – деган мулоҳазаси билан мазкур масалар хусусидаги ўз қарашларини умумлаштиради.

Юқорида келтирилган Ш.Сафаровнинг фикри бу борада асослидир. Зотан, инсонда сўзлаш қобилияти грамматикани англамасдан туриб ҳам шаклланади. Гўдак бевосита кузатишлар билан тилни ўзлаштирар экан, у грамматика хусусида бирор бир билимга эга бўлмайди. Нутқ шакланишида, у аввало, лисоний бирликларни қўллаш куникмасига эришади.

Х.Хайруллаев «Тилшунослик назарияси» китобида келтирилган глоссарийда «Matn – eng yuqori nutq birligi» , – деб қайд этади.

Маълумки, матнни тил бирлиги сифатида қайд этиш кенг тус олган. Бизнингча, бу бу масала бироз изоҳталабдир. Зотан, нутқ фикр ифодасига қодир бўлган бирликлардан иборат. Шундай бўлгач, гап – фикр ифодасининг энг кичик бирлиги сифатида тан олинар экан, у ҳақли равишда нутқнинг бирлиги сифатида қайд этилиш борсида шубҳа туғдирмайди. Бироқ, қурилиш материали гап ва ундан катта мураккаб синтактикурилмалар, абзацлар бўлган иатнни тилнинг максимал бирлиги сифатида қараш, бунда уни тилнинг бирлиги деб талқин қилиш фикрлар изчиллигидаги мантиққа амал қилинмаслигининг далилидир. Шулардан келиб чиққан, ҳолда матнни нутқнинг бирлиги сифатида ўрганиш асослидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –256 б.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Икки жилдлик. Иккинчи жилд. – Тошкент: «Университет» нашриёти, 2003. –599 б.
3. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение. 1985. – с.543.
4. Русча-ўзбекча луғат (Руско-узбекский словарь) Икки томли. II том. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси, 1984. –797 б.
5. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – 286 б.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. Тузатилган иккинчи нашр. – Тошкент: «O‘zbekiston nashriyoti», 2020. – 671 б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. – Москва: «Рус тили» нашриёти, 1981. – 631 б.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том. – Москва: «Рус тили» нашриёти, 1981. – 715 б.
9. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 12 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. –703 б.
10. Узбекско-руский словарь. (Под редакцией С.Ф.Акобирова и Г.Н.Михайлова). – Ташкент: Главная редакция Узбекиской советской энциклопедии. 1988. – с.726
11. Xayrullayev X. Tilshunoslik nazariyasi. Darslik. – Samarqand: Samarqand davlat chet tillar instituti nashriyoti, 2022. –208 b.
12. Ҳакимов М., Газиева М. Прагмалингвистика асослари. Дарслик. – Фарғона, 2020. – 419 б.